Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 137 (21. 236) 1992 йил 14 июль, сешанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХЕЛЬСИНКИГА ТАШРИФИ

● Тарихий жиҳатдан мислсиз аҳамиятга молик

● Энг нуфузли анжуманда

● Ўзбекистон Президенти — Кенгаш ишига раис

● Хельсинкидаги фаол иш





Суратда: И. А. Каримов нутқ сўзламоқда. (ЎзА фотохроникаси).

Маълумки, шу йил 8—10 июль кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Финляндияда бўлди.

Ҳаёт шуни кўрсатяптики, республика Президентининг ҳар бир хорижий давлатга сафари мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлаётир. Аммо Ислом Каримовнинг бу галги сафари нафақат сиёсий, балки тарихий жиҳатдан ҳам мислсиз аҳамият касб этди.

Бу — Ўзбекистон Президентининг Хельсинкига иккинчи ташрифи. Ислом Каримовни илк бор Финляндияга шу йилнинг февраль ойида таклиф қилишган эди: у Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо этиб қабул қилингани ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккан эди.

9—10 июль кунлари эса ана шу нуфузли халқаро ташкилотнинг 17 йил давом этган танаффусдан кейинги дастлабки йиғини бўлиб ўтди. Унда Ер юзидаги 51 давлатнинг раҳбарлари иштирок этишди. Улар орасида Жорж Буш, Гельмут Коль, Франсуа Миттеран, Жон Мейжор, Лех Валенса, Вацлав Гавел каби ҳозирги замон сиёсатининг йирик намояндалари бор эди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, НАТО, ЮНЕСКО сингари бир қанча халқаро ташкилотлар, шунингдек, Япония ҳукумати вакиллари ҳам кузатувчи сифатида қатнашди.

Учрашув ишини ёритиш учун Хельсинкига Ер юзидаги 40 та энг катта телекомпания, йирик радиостанция ва газеталарнинг мухбирлари, аниқроқ қилиб айтганда, бир ярим мингдан зиёд журналист тўпланди.

Кенгашнинг биринчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Иккинчи куни эса Ислом Абдуғаниевич анжуман ишига раислик қилди. Бу — мустақиллик йўлида илк қадамлар ташлаётган Ўзбекистонга, ана шу мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш, республикамизни жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар сафига олиб чиқиш йўлида бетиним изланаётган Президент Ислом Каримовга кўрсатилган ниҳоятда юксак ишонч эди. Ислом Абдуғаниевич уни шараф билан адо этди. Туркия Бош вазири С. Демирэл, Россия Президенти Б. Ельцин, Қирғизистон Президенти А. Акаевлар Каримовнинг раислик ва умуман Кенгашдаги фаолиятига юқори баҳо беришди.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримов Хельсинкида фаол иш олиб борди: АҚШ Президенти Ж. Буш, Франция Президенти Ф. Миттеран, Туркия Бош вазири С. Демирэл, Финляндия Президенти М. Койвисто ҳамда бир қанча бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан суҳбатлар олиб борди. Шубҳа йўқки, бу суҳбатлар Ўзбекистон билан жаҳон мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни яна бир поғона юқори кўтаради.

Хўш, Кенгашда асосан қандай масалалар ўртага қўйилди? Қизил империя қулаб, «совуқ урушга барҳам берилгандан кейин дунёда, айниқса, собиқ СССРнинг бир қанча республикаларида, шунингдек, Югославияда этник, миллий ҳамда ҳудудий низолар авж олиб кетди. Анжуманда ана шундай хуружларга барҳам бериш йўллари хусусида сўз юритилди.

Айрим давлатларда майда миллатлар қувғин остига олинаётгани куюнчаклик билан қайд этилди, Кенгаш ҳузурида ана шу жиддий масала билан шуғулланувчи олий комиссар вазифаси таъсис қилинди, туб аҳоли ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилишига чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Учрашув иштирокчилари имзо чеккан якуний ҳужжатда ана шулар, шунингдек, қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилган, демократия ҳамда бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларга яқиндан мадад бериш ҳар бир ривожланган мамлакатнинг олий бурчи ҳисобланиши алоҳида кўрсатилган.

Анвар ЖУРАБОЕВ,
Тошкент—Хельсинки—Тошкент. (ЎзА).

Хельсинкидаги ЕХҲК Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ нутқи

Муҳтарам раис жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар! — аъло ҳазратлари!

Давлат ва ҳукумат бошлиқларининг кенгашида Ўзбекистон Республикаси делегацияси иштирок этишини давлатимиз мустақиллигини қарор топтириш йўлидаги жуда муҳим босқич деб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф қилган халқчил меъёрларига содиқлигимизнинг, халқаро ҳамжамият хавфсизлик ва ҳамкорлик қоидалари негизига қурилишига зўр иштиёқимизнинг яна бир исботи деб биламиз.

1992 йил мартида Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлиб кирди. Ҳозиргача Ўзбекистонни дунёнинг 120 та мамлакати тан олди. Улардан қирқтаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида битимлар имзоланди, шуларнинг ярмига яқини — Европа мамлакатларидир.

Буни биз Европа ҳамжамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси ўтказаётган йўл қўллаб-қувватланишининг ифодаси деб биламиз. Бизнинг йўлимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш, миллати, диний эътиқоди, иштимоий насаб ва мақомидан қатъи назар барча фуқаролар учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган.

Мустақил Ўзбекистон бир идеологиянинг, бир партиянинг ҳукмронлигини, буйруқбозлик - маъмуриятчилик, тақсимотчилик тизими асосига қурилган иқтисодни рад этиб, ўзбек халқининг ҳам, Европа ва бошқа қитъалар халқларининг ҳам тарихий тараққиёт тажрибасини уйғун равишда бирга қўшадиган йўлни танлаб олди.

Биз эркин бозор, ишбилармонлик, барча шаклдаги мулкчиликнинг тенглиги, халқаро ҳамжамият учун очиқлик йўлини танлаб олдик, фуқароларнинг иштимоий жиҳатдан ночор гуруҳларини ҳимоя қилиш шаклларини, ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, тили ва маданияти, ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари ҳамда улар ҳурмат қилиниши йўлини танлаб олдик, бу йўл айни инсон жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи омилларини эътиборга олишга асосланади.

Бу қадар мўътабар анжуманда Ўзбекистоннинг овози биринчи бор янграмоқда. Айни шу боисдан ҳам биз овозимизни аввал бошданоқ халқимизнинг тинчлик ва ҳамкорликка бўлган эзгу орзулари ифодаси деб тушунишларини истаймиз. Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш билан Париж хартиясининг асосий қоидаларини, Умумевропа хонадонини барпо этиш тажрибасидан келиб чиққан қоидаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ҳозир мен эътиборингизни Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш (ЕХҲК)нинг у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, таъбир жоиз бўлса шундай можароларга йўл қўймаслик жараёни муаммолари билан шуғулланувчи механизмини вужудга келтиришни жадаллаштириш масаласига қаратмоқчиман. Бу механизм аввало ҳудудий ва миллий асосда вужудга келадиган бирон-бир можарога халқаро, минтақа ва маҳаллий ташкилотларнинг эътибори ҳамда кучларини ёнғин аланга олмай туриб тўла жамлаш имконини берган бўлур эди, зеро можаронинг ловуллаб турган ёнғинини кейин, айниқса, кўп киши қурбон бўлганидан сўнг, одамлар бошига мусибат тушган, вайронагарчилик ва тартибсизлик бошланганидан кейин ўчириш ва тугатиш учун жуда катта маблағ ва куч сарфлаш керак бўлади.

Одамлар ғазабга келганидан кейин уларда эзгулик ва адолат, одамийлик ва инсонсеварлик туйғуларини тиклаш жуда қийин ва деярли иложсиз бўлиб қолади. Қорабоғдаги ва бошқа жойлардаги можаролар беҳосдан бошланмаганини ҳаммамиз биламиз. Бирбирига мутлақо ўхшаш бўлган, бинобарин, бир хил тарзда ҳал этиладиган можаролар йўқлигини англаб турибмиз. Бироқ ҳаммамиз учун муштарак сайёранинг айрим минтақаларини ларзага солаётган барча можароларнинг илдизлари ва табиати ўхшашлигига аминмиз.

МДҲдаги қўпгина ёш мустақил давлатлар, Югославия ва бошқа мамлакатлар мисолида бунинг анчагина далилларини кўриб турибмиз.

Ўрта Осиё минтақасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат рўй бериши мумкин, бу ерда четдан баттоллик ва мутаасибликни авж олдиришни тарғиб қилувчи ақидапарастлик пайт пойлаб турибди. ЕХҲКнинг янги ёш аъзоларидан бири — қўшнимиз Тожикистон мисолида шу нарса кўринятпи-ку, ахир. У ерда ҳозирнинг ўзидаёқ инсон бошига тушган қулфатни, баттоллик ва муросасизлик қурбонларини кўрсатувчи кўпдан-кўп мисоллар мавжуд.

Бироқ афсуски, халқаро афкор омма ва ахборот воситалари нечундир бу масалани четлаб ўтмоқда. Айни номатлуб оқибатларнинг олдини олиш мақсадида Миттеран жаноблари билан Гонсалес жаноблари-нинг тинчлик ва ҳамкорликни таъминлайдиган бар қарор куч тузиш тўғрисида бу ерда айтган таклифларини бизнинг минтақамизда рўёбга чиқариш ғоят долзарб вазифадир.

ЕХҲКнинг ҳамкорлик ва хавфсизликка оид ҳужжатлари таъсирчанлиги ҳам кўп жиҳатдан уларнинг ўз вақтида қабул этилишига боғлиқлигини тажриба кўрсатиб турибди. Бу ҳужжатлар қайд этувчи руҳда бўлмай, балки олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлгани яхши. Шу жиҳатдан олганда, ЕХҲКнинг оз сонли миллатлар бўйича олий комиссари таъсис этилиши жуда ўз вақтида қилинган ишдир.

Ҳозир бутун дунё ва у билан бирга Европа ҳам тараққиётнинг янги босқичига — бирлашув босқичига қадам қўймоқда. Бу босқич миллий маданият — технология, экология, иқтисодиёт, ҳуқуқ, умуман маданиятнинг янада равнақ топишига кўмаклаша олган бўлур эди. Айни оқилона бирлашув миллий маданиятларнинг башар маърифати ягона манбаидан ўзаро баҳраманд бўлиши ва бир-бирини бойитиши учун мустаҳкам омилларни вужудга келтиради.

Иқтисодиёт ёки технология тараққиётининг турли даражасида турган халқлар ва давлатлар бирлашув босқичига кираётганликлари табиийдир. Бу мавжуд воқеликдир, бинобарин у ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, деб фараз қилиш соддалик бўлур эди. Бундан келиб чиқадиган аниқ вазифа шуки, биз ҳаммамиз ЕХҲКда қатнашувчи давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишимиз зарур.

ЕХҲК қоидалари бутун Европа — Осиё қитъасига ёйилаётган жараёнда Хельсинки битимларини рўёбга чиқариш механизми ҳозирнинг ўзидаёқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон янги давлатларини ўз ичига олади. Ҳеч муболағасиз беҳисоб табиий-иқтисодий ресурсларга эга бўлган бу бадавлат ўлка ҳозир дунё давлатлари ва савдо-саноат доираларини дадил лойиҳаларни рўёбга чиқарса бўладиган минтақа тарзида ўзига жалб этмоқда.

Стратегик жиҳатдан бу минтақа Шарқ билан Ғарбни боғлайдиган ўзига хос бир халқа бўлиб қолиши мумкин. Тошкент давлатлар ўртасида мол, сармоя, хом ашё ва ишчи кучи ўзаро ўтказиб туриладиган ўзига хос минтақа марказига, иқтисодиёт, маданият, сиёсат, хавфсизлик соҳасида миллий манфаатлар жамланган жойга айланишини жуда хоҳлар эдик. Ўтмишда Тошкент Буюк ипак йўлидаги савдо марказларидан бири сифатида шундай аҳамиятга эга бўлган эди.

Ўзбеклар диёрининг буюк алломалари — Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек юлдузлари Европадаги илм-фан осмонида порлаган эди. Европалик буюк сайёҳ Марко Поло, машҳур француз маърифатчиси Монтескье ўзбеклар диёрига бағишлаб асарлар ёзишган.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Осиё ва Европадаги бир қанча мамлакатларнинг ҳамкорлиги билан бу соҳада жуда жиддий амалий қадамлар қўйилди. Собиқ Ипак йўли бўйлаб коммуникациялар ва алоқаларни, ҳаво, темир йўл ва тош йўллардаги қатновни ривожлантириш, ҳар томонлама маданий ҳамкорликни авж олдириш учун сарфланаётган куч-ғайратларни ҳам назарда тутяпман. Мана шу ишларда кўпгина мамлакатларнинг эзгу хоҳиш-иродаси нақд бунёдкорлик натижаларини бермоқда.

Ҳозир ҳар бир кишидан ўзгаришларга шай бўлиб туриш ва биргаликда мухолифликдан холи бўлган дунё сари илгарилаб боришга доир амалий чоратадбирларни, сиёсий қатъиятни намойиш этиш талаб қилинади. ЕХҲК қоидаларининг бутун Европа — Осиё қитъасига жорий этилиши шу ноёб халқаро анжуманнинг имкониятларини кенгайтиради.

Кенгашнинг барча қатнашчиларини ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон Республикаси бу ғоят муҳим ишда фаол ва жўшқин қатнашиш учун бутун куч-ғайратини ишга солади.

Эътиборингиз учун таккур!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ ЁЗИЛАМИЗ

Республикамиз ҳаётининг барча қирраларини ўз саҳифаларида батафсил ёритиб келаётган отахон газетамиз «Ўзбекистон овози» бизга ҳамиша ҳамрох, маслаҳатгўй ва яқин кўмакдошдир. Биз унинг саҳифаларида ютуқ ва нуқсонларимизни кўрамиз, сермазмун мақолалари орқали маънавиятимизни бойитамиз. Шунинг учун ҳам унга биринчилардан бўлиб ҳеч қандай ташвиқотсиз, ўзимиз обуна бўляпмиз.

Отахон газета ўзининг қадимий анъаналарига эга эканлигини, ҳар қандай воқеага вазминлик билан ёндашишини яхши биламиз. Муштарийлар ўртасида унинг ўзига хос алоҳида обрў-эътибори бор. Шу сабабли уни севиб ўқувчилар кўп. Икки йилдан бери совхозимиз маъмурияти илғор ишчилар, меҳнат фахрийларини рағбатлантириш мақсадида хўжалик ҳисобидан «Ўзбекистон овози»га обуна қиляпти. Тўғри, бу йил бозор иқтисодиёти ҳамма соҳада бўлгани каби кундалик нашрларга ҳам таъсир ўтказди. Газеталарнинг нархи ошди. Аммо газета ўқишга ўрганган одам ҳар қандай шароитда ҳам бунинг уддасидан чиқади. Иккинчи ярим йил учун обуна эълон қилинганидан кейин партия ва касаба уюшмаси фаоллари билан обдон маслаҳатлашдик. Ҳисоб-китоб қилиб 50 нафар меҳнат илғори ва фахрийларни совхоз маблағидан «Ўзбекистон овози»га обуна қилишга келишдик ва жуда тўғри иш қилдик. Эндиликда газетага ёзилган кишилар севимли рўзноманинг кундалик сонини кунда олиб ўқишмоқда.

Бу билан совхоз ҳеч нарса йўқотгани йўқ. Маблағимиз бор. Давлатга бу йил 29 тонна пилла топшириб, режани 124 фоиз қилиб адо этдик. Йил давомида минг тонна сут, 175 тонна гўшт, 280 минг дона тухум, 6 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ектазиб бермоқчимиз. Умумий даромад эса 100 миллион сўмдан ошиши, қўшимча даромаддан солиқ бекор бўлганлиги натижасида камида 20 миллион сўм соф фойда келиши кутилмоқда. Демак, пулимиз етарли бўлади. Шуни эътиборга олиб 1993 йил учун ҳам «Ўзбекистон овози»га камида 200 нафар ишчи, хизматчи ва фахрийларни хўжалик ҳисобидан бепул обуна қилдирмоқчимиз. Ҳарқандай шароитда ҳам отахон газетамизни моддий жиҳатдан қўллаш учун қўлдан келган ёрдамни аямаймиз. Зеро биз кундалик воқеалардан, мустақил республикамизда содир бўлаётган янгиликлардан шу газета орқали хабардор бўлиб турибмиз.

Сероб ХУЖАҚУЛОВ, Қаршн районидаги «Қовчин» давлат хўжалиги директори, Ҳақберди ЖУРАЕВ, ХДП бошланғич ташкилоти котиби, Тўйчибой РАЖАБОВ, касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

ХАЙРЛИ ИШДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИК

Падари бузрукворимиз юз ёшдан ошган табаррук бир инсон. У киши чор ҳукумати даврини кўрганлар. Машҳур Қўқон муҳторияти учун жангларнинг гувоҳи бўлганлар. Шўроларнинг 74 йиллик ҳукмронлигини ҳам бошдан кечирдилар. Одатда, кўпчилик кексаларда ҳам кузатганим бир хусусият бор... У киши газета дейилганда, албатта, «Қизил Ўзбекистон», ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасини назарда тутадилар. Бу кичик мисолда томчида қуёш акс этганидек, «Ўзбекистон овози» халқимизнинг қалби ва онгига сингиб кетганлиги ўз аксини топган, деб ўйлайман. Ўзбек халқи маданияти тарихида орттирилган буюк қадриятлардан бири — отахон газетамиз кириб бормаган бирорта ҳам хонадон Ўзбекистонда йўқ бўлса керак. Унинг муҳлислари сон-саноқсиз. Мен уни 35 йилдан буён ўқиб келаман. Ҳар йили обуна мавсуми бошлангач, «Ўзбекистон овози» учун йиллик обуна ҳақи тўлаш мен учун одат тусига кирган.

Минг афсуски, иқтисодий танглик матбуотни ҳам оғир аҳволга солиб қўйди. Газета чиқариш харажатлари беқиёс даражада ошиб кетганлигини биламиз.

Аммо, дўст оғир кунда синалади, дейдилар. Рўзномага шу кунларда ёрдам бериш, обуначилар сонини кўпайтириш учун ҳаракат қилиш унинг чинакам дўстлари бурчидир. Хўжалигимиз ишчи-хизматчилари ҳам бу ҳайрли ишдан четда қолмадилар.

«Ўзбекистон овози» — халқимизга меҳнати сингган, маданиятимизнинг ўзига хос қадриятларидан бири. Рўзномага ёрдам бериш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир!

Мансур ХУЖАЕВ,
Қўқон механизациялашган ўрмон хўжалиги директори.

ИШОНЧ ЕРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

СИДОРСКИЙ Филип Филиппович

Сидорский Ф. Ф. 1937 йилда туғилган, миллати рус, Москва давлат халқаро муносабатлар институти ва дипломатия академиясини битирган.

1966 йилдан буён дипломатия соҳасида ишлайди. Собиқ СССРнинг Афғонистондаги элчихонасида таржимон ва атташе; Иттифоқ Ташқи ишлар вазирлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимида атташе, учинчи секретарь; Эрондаги элчихонада учинчи, иккинчи секретарь, маслаҳатчи; Ташқи ишлар вазирлиги Ўрта Шарқ бўлимида маслаҳатчи, эксперт бўлиб ишлаган.

1988 йилдан бери Сидорский Ф. Ф. Афғонистондаги элчихонада маслаҳатчи-вакил вазифасида ишлаб келади.

СССР ва Россия расмий делегацияларининг аъзоси сифатида халқаро конференциялар ва кенгашларда қатнашиш учун чет элларга сафар қилган.

У фавқулодда ва мухтор элчи дипломатия даражасига эга. Форс ва инглиз тилларини билади. Онлари, битта ўғли бор.

• ЯХШИ РАҲБАР ҚАДР ТОПАР

● Очиғини айтганда, қайта қуриш йилларида қанчаданқанча раҳбар ходимлар замонанинг тергов қилиш «санъати»га дош беролмай қўллари ёқасида кетди. Кўп яхши кадрлар эса ёмон раҳбарлар соясида «қурбон» бўлдилар. Биз, қалам аҳиллари ҳам оқимга қараб ҳаётдан нуқул қора доғларингина топиб ёздики, ёруғ нуқталар билан ишимиз бўлмади. Ниҳоят, Ўзбекистон осмонида адолат қуёши кўринди. Кадрлар шахсига инсоф юзасидан ёндошадиган вақт келди. Қуйида оғир давр синовидан қоқинмай ўтган раҳбарлардан бири — Зокиржон Усмонов ҳақида сўз юритмоқчимиз.

ЭЛГА ҚАЙИШГАННИ ЭЛ ҲАМ ҚАДРЛАЙДИ

Зокиржон Усмоновни ана шундай инсон деб биламиз ва Шаҳрихон район ҳокимлигига тавсия этамиз...

Бу таклиф ноибларга маъқул бўлди. Қарсаклар янгради. Ҳеч ким қаршилик билдирмади. Сайлов енгил кўчди. Шунда Зокиржон Усмонов билан бирга юриб бирга турадиган шофёр йигитнинг гапини эсладим:

— Мен кўп раҳбарларнинг хизматини қилдим. Камтарлик, оғир-босиқликда Усмоновга тенг келадиганини кўрмадим. Етти ўлчаб бир кесади, кечиримли, оғир карвон. Ҳамиша халқ дарди билан яшайди. Таъзияли хонадонларга кириб ҳамдардлик билдиради, муҳтожларига баҳоли қудрат ёрдамини аямайди. Кўпчилик ундан хурсанд.

Унинг гапида жон бор. Чиндан ҳам Усмонов кечиримли, бағри кенг инсон. Дилида кек сақламайди. Унинг устидан ёзишди, юқорига арз қилишди. Ҳаммасини кечирди. Шунинг ўзи катта гап эди.

У жуда оғир даврда раҳбарлик лавозимида ишлади. Бир-биридан оғир фожиаларнинг бевосита иштирокчиси бўлди. Лекин инсоф доирасидан четга чиқмади, қалтис йўлдан бормади.

Зокиржон Усмонов билан суҳбатлашяпман. «Шаҳрихон районида 170 минг аҳоли яшайди, — дейди ўйчанлик билан у. — Унинг бирови ота, бирови она, бирови фарзанд. Шунча одамга бош бўлиш, кўнглини овлаш, дил «қулфи»ни очиш осон эмас. Юз минг киши билан тиллашиб, бировига яхшилик қилолмасангиз, айтганига кўнмасангиз у киши учун сиздан ёмон раҳбар йўқ. Имкониятингиз бор-йўқлиги билан иши бозликдан, алдамчиликдан ҳоли бўлгани маъқул. Шунда иш олдинга силжийди, одамлар ишлаб чарчамайдилар. Одамлар қадрлаб, тўймаъракаларига ҳаммадан аввал чақирадилар, маслаҳат сўрайдилар, давранинг тўрига ўтқазадилар. Раҳбар шу иззат-икромга лойиқ бўлиши лозим.

Меҳнатсеварликни қадрлайман. Ўзим ҳам ёшлигимдан меҳнатга ўрганганман. Одамларга керакли киши бўлиш қандай бахт-саодатлигини ҳам биламан. Биз бунёд этаётган нарсаларнинг ҳаммаси одамларга шоду хуррамлик бағишлайди...

Усмонов мақсадни аниқ кўради ва унга эришиш йўлини билади. Ўз фалсафаси бор. Биз ўтган йил якунларини таҳлил қилиб кўрдик. Ютуқлар салмоқли. Районда пахта, пилла, мева, узум етиштириш кўпайди. Режага нисбатан 38 миллион сўм кўп даромад олинди. Режа бўйича топширилган пахтанинг беш фойизи, режадан ташқари тайёрланган пахтанинг ҳаммаси хўжаликлар ихтиёрида қолдирилган ва бундан 150 миллион сўм қўшимча даромадга эга бўлинган. Режадан ортиқча пиллани айрибошлаш ҳисобига 3,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари келтирилиб, қишлоқ аҳолисига сотилгани ҳам яхши бўлди.

Район ҳокими республика Вазирлар Маҳкамасининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва ширкатларни кўпайтириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини ўз назоратига олди. Районда тўрт мингдан зиёд ишсизлар бор эди. Ҳоким киселкам уч минг киши иш билан таъминланди. Бугун районда ҳаммаси бўлиб 92 та кичик корхона, 16 та ширкат ишлаб турибди.

— Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги қароридан кейин анча ишлар қилдик, — дейди Усмонов. — Район бўйича 75 километр газ, 18 километр сув қувурлари ётқизилди. Салкам уч минг хонадон газлаштирилди. Қишлоқ аҳолисининг 86 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланди. Кейинги икки йил давомида тўрт ярим минг оилага уй қуриш, салкам беш минг оилага томорқасини кенгайтириш учун ер бердик.

Бир куни Усмонов «Ўрта Шаҳрихон» жамоа хўжалигида яшовчи уруш ногирони Абобакир Нурматовдан хат олди. У ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Ҳоким унинг уйига борди. Аризачининг икки қўли, икки оёғи йўқ эди. Айтишларича, у урушдан майиб-мажруҳ бўлиб қайтгач, хотини, ўғли ташлаб кетган. Жамоа хўжалиги унга уй қуриб берган, қишлоқ аҳолиси уни уйлантириб қўйган. Саховатли аёл қўлсиз, оёқсиз йигитни меҳр билан парвариш қилган, фарзандлар кўришган. Усмонов унинг соғлиғи билан қизиқди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб бўлгач:

— Хизмат, — деб илиқ жилмайди.

Абобакир уйида телефон йўқлиги сабабли район, вилоят билан боғланишга қийналаётганлигини айтди.

— Бу масалани ҳал бўлди деб ҳисобланг, — деди Усмонов, — бизга яна нима хизмат бор?

— Раҳмат, бошқа арзим йўқ.

Усмонов чиқиб кетаётиб: «бўш келманг», деб қўйди. Ногирон одам учун шу гапнинг ўзи катта мадад.

Зокиржон Усмонов юқори ташкилотлар ёрдамида кабел топди ва унинг уйига телефон туширириб берди. Уруш ногирони Нурматовнинг боши кўкка етгудай бўлди. Бурнўғи йили жамоа хўжалиги бу оилага бир бош қорамол инъом этганди. Бу йил эса ўша молга ем-хашак, 634 сўм пул, икки кубометр ўтин берди. У бу ғамхўрликлар учун район ҳокимиятидан, жамоа хўжалиги раҳбариятидан, қамқишлоқларидан ва саховатли турмуш ўртоғидан ғоят миннатдор...

Ёрдам сўраб Усмоновга мурожаат этган ва унинг сахий марҳаматидан баҳраманд бўлган бундай кишилар кўп. Борди-ю биз унинг ўттиз тўрт йил давомида кишиларга қилган яхшиликларини санайдиган бўлсак, адосига етиш қийин.

Усмонов асли Шаҳрихонлик. «Қизил юлдуз» жамоа хўжалигининг Бўстон маҳалласида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном. Тошкент Қишлоқ хўжалик олий илмгоҳида таълим олган. Касби бўйича жамоа хўжалигида уч йил бош агроном бўлиб ишлагач, илмий иш билан шуғулланиб биология фанлари номзоди бўлди, шундан кейин у раҳбарлик лавозимларига кўтарилди. Ўн йил СоюзНИХИ Андижон филиалида лаборатория бошлиғи лавозимида меҳнат қилди. Асака район ва шаҳар партия ташкилотларида биринчи котиб бўлди. У раҳбарлик қилган йилларда Асакада пахта ҳосилдорлиги кўтарилди.

Усмонов 1990 йил баҳорда она юрти Шаҳрихонга қайтди. Бир йил район ижроқўмида раислик қилгач, шу район партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. Бугун эса ноҳия ҳокими.

Зокиржон Усмоновнинг раҳбар сифатида халқ ичига кирганига ўттиз тўрт йил бўлди.

— Биз Усмоновни кишиларга ғамхўр, меҳрибон, камтар, камсуқум, ўзига ва бошқаларга талабчан раҳбар деб биламиз, — дейди «Ғалаба» жамоа хўжалигининг раиси Ўрмонжон Бозорбоев. — Шу боисдан унинг обрў-эътибори юқоридир. У кимга қандай муомала қилишни билади, у келгач мажлисбозликдан қутилдик. Бўлар-бўлмасга чақиравермайди. Раҳбар ходимларга мустақиллик, эркинлик берди.

● Халқнинг маъқуллаши ва қўллаб-қувватлаши раҳбар обрў-эътиборининг асосидир. Ишонч қозониш, ташкилотчилик, раҳбарлик маҳоратини ошириш ҳокимларга хос фазилатлардандир. Зокиржон Усмоновда ана шундай фазилатлар мужассам. У оз гапириб, кўп иш қиладиган раҳбарлар тоифасидан.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Тошкент тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пардозлаш фабрикасида ускуналарни қайта жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Бу ерда Чехословакиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатиляпти. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу дастгоҳлар ишга туширилгач, фабрика маҳсулотлари сифати яхшиланиб, жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган бўлади.

Суратда: юк машинаси ҳайдовчиси Абдукарим Адҳамов. У цехларни таъмирлаш ишларида фаол қатнашмоқда.

Р. ШАМСУТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

ЙИЛНОМА ВА МАРОСИМЛАР

● ЖУМҲУРИЯТ маданият жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан Урганчда «Хоразм йилномаси ва маросимлари» деган мўъжаз китобча нашр этилди.

Урганч ёғ-мой комбинати-ҳомийлигида Отажон Обдолов номли вилоят босмохонаси чоп этган мазкур китобчада Хоразмнинг бугунги кунларгача босиб ўтган ҳаёт йўли солномалар тартибида қисқача баён қилинган. Китобчада шунингдек, Хоразмнинг наврўз, сумалак оқшомлари сингари ҳамда замонавий маросимлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА

АЁЛ ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

● Сирдарё шаҳридаги рефрижератор вагонлар ремонти депосида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилаётир. Бу меҳнат унумдорлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси яқинда депода ишлаётган аёлларга қўшимча имтиёзлар бериш таклифи билан чиқди. Ташаббус корхона маъмурияти томонидан маъқулланди. Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб корхонанинг аёл ишчилари маошлари ҳажми сақланган ҳолда сменали ва оғир ишлардан озод қилиндилар.

Хотин-қизларга ҳар ойда қўшимча яна бир дам олиш куни берилади. Фарзанди 14 ёшгача бўлган аёлларнинг иш кунлари икки соатга қисқартирилди. Ушбу имтиёзлар учун сарфланадиган ҳаражатлар депонинг моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Қ. ҲОЖИЕВ.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАМНУН

● Ғиждувон шаҳрида «Ижодкор» деб аталувчи кичик корхона ўтган йилнинг сентябрь ойида ташкил этилганди. Корхона кенг халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ихтисослашди: аъло сифатли маҳсулотлари билан харидор оғзига тушди. Ҳозир корхона жамоасининг банкдаги ҳисоб рақамида 580 минг сўм нақд пули бор.

Кичик корхона ишчилари май ойининг ўзида 200 минг сўмлик эркаклар кўйлаклари, чақалоқлар учун йўргаклар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари тайёрлаб, шунинг ўзидан 60 минг сўм соф фойда олишди.

Тўғри, бу ерда хом ашё тақчиллиги сезиляпти. Аксига олиб нархи ҳам қиммат. Таъминотчилардан хом ашё келишилган эркин нархда харид қилинмоқда, Бироқ корхона жамоаси ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни бошқа турдош корхоналарга нисбатан арзонроқ баҳода сотишни йўлга қўйишмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ХАЛҚНИ ЎЙЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан Савдо вазирлиги тугатилиб, Ўзбекистон давлат акционерлик уюшмаси («Ўзбексавдо») ташкил топди. Шу муносабат билан Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири «Ўзбексавдо» раиси М. З. Усмонов билан республикамизда тижорат ишларининг истиқболи ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мазкур уюшма олдида турган вазифалар хусусида суҳбатлашди.

— Мираброр Зуфарович, республикамизда мустақиллик эркин қанот ёзаётган, бозор иқтисоди долзарб паллага кираётган бир пайтда уюшма тизмининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб бersангиз.

— Акционерлик уюшмасининг ташкил этилиши мустақил республикамиз халқининг турмуш даражасини яхшилашни кўзлаб қилинган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирдир. Бошқача айтганда, уюшма бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тижорат ишларини яхшилаш билан бирга чет эл давлатлари билан ҳам тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли алоқа қилиш, қўшма корхоналар очиб, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш имконини беради.

Давлат ҳисобига ишлаб келган савдо вазирлигининг акционерлик уюшмасига айлантирилиши жамоа учун янги истиқбол очиб берди. Бутун бошли савдо тармоқларини акционерлик жамиятига айлантира бошладик. Республика раҳбариятининг эзгу нияти кишилар турмушини яхшилашдан иборат. Элини ўйлаган кам бўлганми, ахир?! Ана шундай масъулиятли даврда айрим кишиларнинг мустақиллик йўлида амалга оширилаётган ишлари нотўғри тушунаётгани мени ҳайратга солади.

Баъзи жумҳуриятларда ҳунрезлик бўлиб турган бир вақтда республикамиз аҳолиси тўс-тўполон, можаролардан ҳоли ҳаёт кечирмоқда. Бунинг ўзи бўлмаётир. Ана шу осойишталикни кўролмайдиган шахслар иқтисодий танглик, қимматчиликни рўкач қилиб, одамлар орасида норозилик кайфиятини туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар нарх сиёсати моҳиятини тўла англаб етмаган айрим кишиларни чалғитишга уринмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов иқтисодий қийинчиликлар узоққа чўзилмайди, деб таъкидламоқда. Бу гап катта иқтисодий асосга таяниб айтилаётир. Тўғри, айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи баланд. Аммо Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлардан келаётган кишилар Ўзбекистонда нарх-наво ўзга минтақаларга нисбатан анча арзон эканини эътироф этишмоқда. Ҳақиқатда ҳам шундай.

Республика аҳолиси эҳтиёжи учун ҳар йили 450 минг тонна гўшт керак. Шундан атиги 150 минг тоннасигина ўзимизда етиштирилади. Қолган қисми чет эллардан шартнома асосида келтирилмоқда. Ҳар килограмм чорва маҳсулотининг таннархи 120 сўмга тушяпти. Аҳолини иқтисодий ҳимоялаш мақсадида гўштни 45 сўмдан сотяпмиз. Кўрилаётган зарар давлат бюджетидан тўланаётир.

Яна бир мисол. Халқ истеъмоли учун ҳар йили 800 минг тонна шакар керак. Четдан олинаётган 550 минг тонна шакарнинг ҳар килограмми 50 сўмга тўғри келмоқда. Биз эса уни аҳолига атиги 8 сўмдан сотяпмиз

— Республикамизда ун маҳсулотларига бўлган талаб қандай?

— Жумҳуриятимизда бир кунда 900 тонна, йилига 3 миллион 200 минг тонна ун маҳсулоти сарфланади. Бошқача айтганда, республикамиз эҳтиёжи учун ҳар йили 6,5 миллион тонна ғалла керак бўлади. Россия ва бошқа мустақил республикаларда ҳар йили жон бошига 60—70 килограмм нон истеъмол қилинса, бизда 170 килограмм истеъмол қилинади. Аммо нон нархи бошқа давлатлардагига нисбатан анча арзон.

Республикамиз раҳбарияти ҳар қандай шароитда ҳам нон нархини ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик чораларини кўрмоқда. Шунинг учун ҳам бир килограмм буғдой таннархи 23 — 24 сўмга тўғри келаётган бўлса ҳам ун нархи 3,5 сўмдан ошмаётир.

— Мираброр Зуфарович, Ҳамдўстликдаги мустақил давлатларда кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари нархи биздагидан 2—3 баравар қиммат эканини айтишмоқда...

— Тўғри, нонинг нархи Москвада 12, Санкт-Петербургда 10, Бишкекда 9, Киевда 6, Минск, Олмаотада 3, Ўзбекистонда эса 2 сўм 80 тийинга тўғри келмоқда. Бир килограмм ун Москвада 12, Санкт-Петербург ва Киевда 25, Минскда 18, Ашгабод ва Олмаотада 6, Бишкекда 14, бизда эса 3,5 сўм туради.

— Яқин келажакда жумҳуриятимизда халқ истеъмоли молларининг арзонлашиши кутиляптими?!

— Республика аҳолисини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида маҳсулотлар таннархидан анча арзон сотилаётгани ва бу нима ҳисобига бўлаётганини айтдим. Аммо бу зарарни давлат бюджети ҳисобидан муттасил қоплаб боришнинг имкони йўқ. Қолаверса, республика бюджети шундай ҳам зўриқиб турибди. Хабарингиз бор, Президент Фармони билан 1992 йилнинг 1 июлидан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи ўртача 1,5—1,8 баравар оширилди. Бунинг учун 23 миллиард сўм керак бўлади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, айрим молларнинг нархларини қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Лекин биз ҳар қандай шароитда ҳам аҳолини энг зарур истеъмол моллари билан узлуксиз таъминланишини кафолатлаймиз.

Бирор маҳсулотнинг арзонлашиши ёки аксинча, қимматлашиши унинг таннархига боғлиқ эканини унутмаслик керак. Кейинги вақтда дўкон пештахталарида саноат моллари кўпайиб қолди. Аммо уларнинг нархи ҳамон баланд. Биз энди корхона раҳбарларига, молларингизни арзонлаштиринг, ҳадеб фойда кетидан қувманг, халққа жабр бўлмасин, дедик. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ҳам ана шунда. Саноатчилар ўз маҳсулотларини ҳаддан ташқари қиммат сотишаётганини тушунишди.

Шуни айтмоқчиманки, бундан буён танқислик астасекин барҳам топиб бораверади. Ҳозирнинг ўзида 1992 йил охиригача республикамиз барча аҳолисини тўла таъминлашга етарли озиқ-овқат ва бошқа кундалик харид моллларига эгамиз.

— Хорижий давлатлар билан иқтисодий, савдо алоқаларимизнинг самаралли бўлиши нималарга боғлиқ деб ўйлайсиз?

— Жумҳуриятимизда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик —иқтисодий, савдо, умуман барча алоқаларимизнинг мустаҳкамланиши учун бош омилдир. Кўпгина давлатлар Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилишга шай тургани бизни қувонтиради. Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг Малайзия, Индонезия ва Жанубий Корея давлатларига қилган сафари чоғида шу нарсага гувоҳ бўлдикки, чет элликлар ўзбекларга катта меҳр-муҳаббат билан қарамоқда. Малайзия ва Индонезияда яшовчи аҳолининг деярли 80 фоизи мусулмон экан. Улар Ўзбекистон мустақиллигини кўзларида севинч ёшлари билан кутиб олишганини айтишди. Дарҳақиқат, мустақиллигимиз, эркимиз қадрини қалб кўзи билан топиб, унинг дастлабки неъматларини татиб кўрмоқдамиз.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ҲОКИМЛИК ТИЗИМИДАН ХАБАРЛАР

ТЎРАЧИЛИКДАН ДОД...

● Шўрчи районидаги давлат ва жамоа хўжаликлари аъзолари июль ойидан бошлаб ун ва мойни магазинлардан нақд пулсиз олишади.

Район ҳокимияти шу ҳақда қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ савдо ташкилоти билан хўжаликлар одамларнинг маошни вақтида ололмаётганидан келиб чиқиб, ун ва мойга пул ўтказиш орқали муомала қиладиган бўлдилар.

Шу йил 17 июнь куни Шўрчи райони ҳокими Э. Шерматов Тошкентга — республика давлат банкининг раисига уч марта сим қоқди ва уч бора ҳам «одамларнинг маошидан 79 миллион сўм қарздор бўлиб ўтирибмиз. Илтимос, ёрдам қилинг», деган гапни такрорлади. Шундан кейин ҳоким Денов шаҳридаги Шўрчини пул билан таъминлайдиган районлараро банкка боришга мажбур бўлди.

Тошкент ҳал қилиб берган иш учун энди Деновдаги банкнинг «хўжайин»ларига қайта-қайта салом бериш, илтимос қилиш, тўғриси ич-этингдан ўтиб кетади, — дейди ҳоким. Нима учун энди Тошкентдан ёки вилоят марказидан жўнатилган районнинг улуши тўғри район банкига келиб тушмайди?! Районлараро банк деган нарса нечун керак?! Бюрократик тўсиқнинг ўзгинаси-ку, бу...

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

НЕ БАЛОЛАР ТУШДИ ХАЛҚ БОШИҒА

● Днестр бўйида давом этаётган жангларнинг бир куни Молдова бюджетидан 12-15 миллион сўмни ўмармоқда.

Ўтган йилнинг декабрь ойидан ҳозирги пайтгача бўлган даврда ҳарбий тўқнашувлар республика бюджетининг салкам 10 миллиард сўмини «еб қўйди». Бу маблағнинг бир қисми ўтган йил нархларида ҳисобланмоқда. Зарар етказилган объектлар ва биноларни тиклаш учун ҳозирги нархларда қарийб 15 миллиард сўм талаб қилинади.

МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

● «Янгиликлар» («Новости») нашриётида ҳозир собиқ ССРнинг собиқ президенти қаламига мансуб «1991 йил декабри» деган янги китоб чиқмоқда.

Бу рисолага М. Горбачевнинг президентлик қилган сўнгги ҳафталаридаги нутқлари ва суҳбатлари жо бўлган.

ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ МУЛЖАЛИ

● АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер яқин ҳафталарда эгаллаб турган лавозимидан воз кечиши мумкин.

У шу йил кузида бўладиган сайловда иккинчи муддатга президент лавозимига сайланишга интилаётган Жорж Бушнинг сайловолди кампаниясига бошчилик қилишни мўлжалламоқда. Бу тахмин АҚШ республикачилар партиясидаги манбаларга асосланиб айтилмоқда. Ҳозирги президентнинг кўпгина тарафдорлари фикрича, Ж. Бушнинг обрў-эътибори муттасил пасайиб бораётганига асосий сабаб — унинг сайловолди кампанияси раҳбарлари ношуд сиёсат ўтказаётганидир. Ироққа қарши ўтказилган «Саҳродаги бўрон» операциясидан кейин АҚШ президентининг обрўси 90 фоиздан ошиб кетган эди. Бироқ, ўшандан бери Ж. Буш бу устунликдан аста-секин маҳрум бўлиб боряпти.

ҲАМ БОШ ВАЗИР, ҲАМ МУДОФАА ВАЗИРИ

● Исроил Бош вазири этиб тайинланган Идцак Рабин ўзининг «Авода» партиясидан янги ҳукуматнинг таркибини маъқуллатиб олди.

И. Рабин сўл партияларнинг «Мерец» блоки ва ўта консерватив диний Шас партиясининг вакилларини ҳукумат таркибига киритиш ҳақда шу партиялар билан битим ҳам тузди. И. Рабин Бош вазир ва мудофаа вазири лавозимларини айни бир пайтда бажаради. «Авода» вакиллари 17 та вазирлик лавозимидан 13 тасини, шу жумладан, ташқи ишлар вазири (Шимон Перес), молия вазири (Абрахам Шохат), уй-жой қурилиши вазири (Биньямин Бен-Элизер) лавозимларини олди.

ОҒИР ЖИНОЯТДА ҚЎЛИ БОР

● Яқин орада Болгарияда салкам олтмиш киши 3 йилдан 30 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Булар — собиқ Болгария Коммунистик партияси раҳбариятининг ҳамда 1986-1989 йилларда ишлаган Г. Атанасов бошлиқ ҳукуматининг аъзоларидир. Яқинда мамлакатнинг собиқ Бош вазири А. Луканов ҳибсга олинди.

Болгариянинг бош прокурори уларни оғир жиноят қилишда айбламоқда. Бош прокурор Болгариянинг Кубага, Никарагуага, Мозамбикка, ривожланаётган бошқа мамлакатларга кўрсатган ёрдамини, шунингдек, Чили, Аргентина, Жазоир, Ироқнинг коммунистик ва социалистик партияларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлигини оғир жиноят деб атади.

РЕКОРДЛАР ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

●Германиянинг бир қанча Шарқий ва жанубий ўлкаларида ёзги таътил бошланди. Айни пайтда жала қуя бошлади.

Натижада дам олиш кунлари ГФРнинг кўпгина автомобиль йўлларида қатнов тўхтаб қолди. Машиналар тиқилиб кетди. Шлезвиг-Гольштейн ўлкасида бу соҳада мутлақ рекорд қўйилди, деса бўлади. Бу ерда тўхтаб қолган машиналар 70 километрга чўзилди. Қуйи Саксониянинг ўлкасидаги Гонновер шаҳри яқинида қатор туриб қолган автомобиллар бундан сал камроқ, атиги 50 километр масофани ишғол қилди.

КАСАЛХОНАГА ЁТМОҚЧИ

Рим католик черковининг бошлиғи Иоанн Павел II анъанавий якшанбалик ваъзида касалхонага ётмоқчи эканлигини маълум қилди.

Рим папасининг матбуот хизмати раҳбари гап бу ерда сиҳат-саломатликни кўрикдан ўтказиш ҳақида бораётганини айтди. Чунки, 72 яшар папа бир неча кундан буён ичаги атрофида оғриқ пайдо бўлганидан қийналаётган эди. Агар у касалхонага ётадиган бўлса, ёзги таътилни бир неча кунга кечиктириш мумкин.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалари хабарлари асосида тайёрланди).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Фарғонада вилоят фаоллари йиғилиши бўлди. Унда «Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ярим йиллик якунлари ва Ўзбекистон Олий Кенгаши ўнинчи сессияси хулосаларидан келиб чиқадиган вазифалар» тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ғ. Фозилов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари ҳозирги шароитда аҳолининг барча табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, саноат, қурилиш, транспорт, халқ хўжалиги барча тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлашда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш хусусида фикр алмашдилар.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вош вазирининг ўринбосари А. Возненко нутқ сўзлади.

* * *

Наманганда вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари республика Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси ўртага қўйган вазифаларни, шунингдек, парламентнинг Ўзбекистон сиёсий партияларига, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, бутун аҳолисига Мурожаатномасини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди. **(ЎзА).**

ЖИЗЗАХ. (Ўз мухбиримиздан). Вилоят фаоллари бу ерда бўлиб ўтган йиғилишида «Ўзбекистон Олий Совети XII чақириқ ўнинчи сессияси якунлари ва вилоят фаоллари олдида турган вазифалар» муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Э. Турсунов маъруза қилди.

Фаоллар йиғилишида жумҳурият Президенти аппаратининг кадрлар сиёсати бўлими мудирининг ўринбосари Ш. Убайдуллаев нутқ сўзлади.

Вилоят фаоллари анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўмитаси раиси Р. Абдуллаев, Президент девони бўлим мудири Н. Ахмонов, Олий Кенгаш масъул ходими Б. Қосимхўжаевлар иштирок этишди.

Фаоллар йиғилишида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Б. САТТОРОВ.

1 СЕНТЯБРЬ·

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ШУ ТУПРОҚДА ТУҒИЛИБ, ШУ ЮРТГА МЕҲНАТИ СИНГАН ҲАР БИР ИНСОН — АГАР У ВАТАНИМИЗНИ ХУДДИ БИЗ КАБИ МУҚАДДАС БИЛСА — ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ ДЕБ САНАЛИШГА ЛОЙИҚ.

АЙНИ ЗАМОНДА XX АСР АЛҒОВ-ДАЛҒОВ ЛАРИДАН, ҚАТАҒОНЛАРДА ОЗОР ЧЕКИБ, ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРГА МАЖБУРАН КЕТИБ ҚОЛГАН БИРОДАРЛАРИМИЗГА ЎЗБЕКИСТОН ДАРВОЗАЛАРИНИ КАТТА ОЧИШИМИЗ КЕРАК.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқидан).

ЮРТИМИЗ ЎЗ НОМИ БИЛАН ЎЗБЕКЛАРНИКИ!

• *Шахсий мулоҳаза*

МИЛЛАТИМИЗ НОМИ ҚАЧОН КЕЛИБ ЧИҚҚАН

● Абу Райҳон Беруннийнинг шогирди, форс тарихчиси Абу Саид Абдулҳай биннуз Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизийнинг 1048-1054 йилларда ёзилган «Зайнул ахбор», яъни «Солномаларнинг безаги» номли асарида ўзбек номи тарихида биринчи марта келтирилган.

Гардизий ўзининг мазкур асарида ёзишича, ўзбеклар Эроннинг Ҳамадон шаҳридан жанубга томон йўналишда то ички Хитой чегараларига қадар давом этадиган текисликда ёйилиб ящаганлар. Бу маълумотдан кўриниб турибдики, ўзбеклар бутун Турон пастекислигида яшаганлар. Бошқача қилиб айтганда, Гардизий бутун Турон, яъни ҳозирги Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқларини ўзбек деган умумий ном билан атаган. Гардизийнинг мазкур асари 1955 йили Теҳронда форс тилида тўла нашр этилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, марҳум профессор Яҳё Ғуломов ва мухбир аъзо, марҳум Рашид Набиев асарларида ўзбеклар XII асрдан бошлаб халқ сифатида ўюшиб ташкил топганлар, дейилади. Ўзбек номи эса уларнинг фикрларича, Олтин Ўрда хони ўзбекхон номи билан аталган. Бу нотўғри кўринади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг, яъни ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар ва қозоқларнинг тўрт миллион йиллик тарихлари бор. Кези келганда шуни айтиш керакки, халқаро археологик, элшунослик, антропологик экспедиция Шарқий Африкада Эфиопиянинг шарқий Хасуна вилояти ҳудудида 25 нафар ибтидоий одамнинг тошга айланиб қолган скелетлари, тош ва суякдан ясалган қуроллари, улар овлаб истеъмол қилган ҳайвонлар, қушлар ва балиқларнинг суякларини топиб текширган. Янги замонавий археологик тадқиқотлар орқали, ядро нурлари ёрдамида бу ашёвий, моддий, маданий-тарихий топилдиқлар тўрт миллион йилдан кўпроқ тарихга эга эканлиги исботланган. Бу ёдгорликлар қуйи палеолит даврига оиддир.

Бизнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам қуйи палеолит даврига оид шундай ёдгорликлар топиб текширилган. Эолит (тош асрининг тонги — Ҳ. М.) қуйи палеолит даврига яъни шелль ва ашелль даврларига оид манзилгоҳлар, тош қуроллар топилиб, тадқиқ қилинган. Бу, шубҳасиз, бизда ҳам шу даврларда питекантроп, яъни маймун — одам, синантроп, яъни Хитой одами ва гейдельберг типидаги одамлар яшаган эканликларининг аниқ исботидир. Аммо бу ерда ибтидоий одамларнинг склетлари тошга айланиб, кристалланиб сақланиб қолиши учун тупроқ шароитининг яроқсизлиги ёки палеолитчи археолог олимларимиз тарафидан изланишлар, тадқиқотлар ҳали етарли олиб борилмаганлигини кўрсатади. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бундан кейинги даврларда неандертал ва кроманионс типидаги ибтидоий одамлар ҳам яшаганликларини исботловчи ёдгорликлар ҳам ўрганилган. Чунончи, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Бойсун тоғларидаги Тешиктош ғоридан шу типдаги тўққиз ёшли боланинг тошга айланиб қолган калла суяги ва шу даврларга оид қуроллар топилган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Асқаров ва мухбир аъзоси А. Муҳаммаджоновлар Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий одамлар мусьтер эрасидан (Ўрта палеолит давридан — Ҳ. М) бошлаб тарқалган. Қаердан, қайси қитъа, қайси мамлакатдан?! — (Ҳ. М.), деб даъво қиладилар. Улар республикамиз ҳудудида ибтидоий одам тарихини неандертал даврдан (юз минг йил аввалги даврдан — Ҳ. М.) бошлайдилар. Бу ерда қуйи палеолит даврида ҳам питекантроп, синантроп ва гейдельберг типидаги ибтидоий одамлар яшаганликларини иккор этадилар. Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси У. Исломов эса ғўё жумҳуриятимиз ҳудудида ибтидоий одам бундан бир миллион йил аввал шарқий Африкадан яқин шарқ — Фаластин кўприги орқали етиб келган деган фикрни илгари суряпти.

Бизнингча, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида бундан тўрт миллион йиллар аввал ибтидоий одамларнинг пайдо бўлиш ва яшаши учун табиий-жуғрофий, иқлимий шароитлар тўла мавжуд бўлган.

Фикримизча, олимларимиз археологик тадқиқотлар олиб боришни янада кучайтиришлари зарур. Зеро, бунинг аҳамияти катта. Ўрта Осиё ва Қозоғистон, жумладан, Ўзбекистон қадимги Миср, Месопотамия, Эфиопия, Ҳиндистон ва Хитой каби инсониятнинг энг қадимги бешикларидан, маданий ўчоқларидан ва цивилизация марказларидан биридир. Аждодларимиз дастлаб тўрт миллион йиллар аввал шу ўлкаларда мустақил пайдо бўлиб, туб халқ сифатида ўзларининг маданиятини яратиб, ривожлантириб, тараққий эттириб келаётганликларидан далолат бериб турибди.

Ҳ. МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди, пенсионер.

• *Акс-садо*

УРИНЛИ ТАКЛИФ

● Рўзноманинг шу йил 2 июль сонида бир гуруҳ меъморлар томонидан кўтариб чиқилган таклиф: пойтахтимизнинг бош майдонида катта Жомеъ масжиди қурилишини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, Ўзбекистон мустақиллик йўлига қадам қўйди. Ҳозиргача юздан зиёд мамлакат жумҳуриятимизнинг мустақиллигини тан олди. Тилимиз, динимиз мустаҳкамланиб бораётганлиги, айниқса, қувонарли.

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг олиб бораётган сиёсати ҳаммага маъқул. Бундан фуқаролар мамнун. Айниқса, Президентнинг Саудия Арабистонига қилган сафари ўзбек диёри учун мусулмон мамлакатларининг эшигини катта очди.

Шундай экан, албатта республикамиз пойтахтида битта йирик масжид қурилмоғи лозим. Уша қурилажак масжид мустақиллик майдонида қад кўтарса. Ахир мусулмон мамлакатларининг эътиборга молик масжидлари жуда кўп-ку!

Ўйлаймизки, агар шу хайрли иш амалга ошадиган бўлса, халқимиз ҳам қараб турмайди. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ бирор банкда ҳисоб рақами очилгани маъқул.

Чилонзор район, «Мевазор» маҳалла аҳли номидан Абдураҳмон Акбаралиев, жами 50 имзо.

ФОЙДАЛИ БИНО ЗАРУР

● Рўзномада меъморлар томонидан кўтарилган таклиф ўринли. Тошкентдаги бош майдонда Жомеъ масжиди қуриш керак, деб ҳисоблаймиз. Ростда, нима кераги бор жонсиз ва фойдасиз монументларни. Унинг ўрнига одамлар учун фойдали бирор иморат қурган яхши эмасми? Уша иморат, албатта, масжид бўлиши лозим.

Ҳодисахон ОРИПОВА,
Бешариқ шаҳри.

• ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ТОШКЕНТ—ТЕЛЬ-АВИВ ҲАВО ЙЎЛИ

⊙ Ўзбекистон Республикаси миллий авиакомпанияси ва Исроил фуқаро авиацияси департаментининг расмий делегациялари мунтазам самолёт қатнови бошланиши тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзолади.

Август ойидан бошлаб янги ҳаво йўли орқали Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясининг Ил-62 лайнерлари қатнай бошлайди.

— Самолётлар ҳафтада бир марта қатнайди, — дейди делегация раҳбари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси президентининг биринчи ўринбосари Арслон Рўзметов. — Йўлда тўрт соатга яқин училади. Биз Исроил вакиллари билан музокаралар чоғида республикамиз чинакам истиқлолга эришгани, унинг халқаро майдонга чиққанлиги турли давлатлар билан ҳаво йўллари орқали алоқаларни кенгайтиришни ҳам тақозо этади, деган якдил фикрга келдик. Зеро, янги маршрут иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиши шубҳасиздир.

Имзоланган ҳужжатда Исроил пойтахтида Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг ваколатхонасини очиш назарда тутилган. Шундай қилиб, ўзбекистонлик учувчиларнинг йўл хариталарида яна битта манзилгоҳ — Тель-Авивдаги «Бен-Гурион» халқаро аэропорти пайдо бўлди. Исроилнинг Эль-Аль авиакомпанияси самолётлари шу ерда жойлашган.

Август ойида Тошкент билан Хитойнинг Шинжонг-Уйғур мухтор ноҳияси ўртасида ҳаво йўли орқали мунтазам қатнов бошланиши ҳам режалаштирилаётганини эслатиб ўтамиз.

(ЎзА мухбири).

ИККИ ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

● Могилевдаги шойи газламалар ижара корхонаси учун азалий ишлаб чиқариш алоқаларининг узилиб қолиши фожиага айланмади. Могилевликлар анъанавий ҳамкорлари — Красноярскдаги «Сиволокно» ишлаб чиқариш бирлашмаси қимёгарларидан қирқ баравар қимматлашган вискоза толани сотиб олишдан воз кечиб, фойдалироқ шартлар билан маҳсулот етказиб берувчиларни топдилар.

«Сибирликларга ҳурматимиз зўр бўлишига қарамай, бозор шароитида синмаслик учун арзонроқ хом ашё қидиришга мажбур бўлдик, — деди корхона бош директорининг ўринбосари Федор Адамченко. — Ўзбекистонда бизга ҳар килограмми 105 сўмдан пахта толасини сотиб олишни таклиф қилишди — бу вискоза толадан икки баравардан зиёдроқ арзондир. Биз Андижон, Тошкент, Самарқанд вилоятларида 1800 тонна хом ашё етказиб бериш тўғрисида бевосита шартномалар туздик, ҳар бир килограмм пахта учун биз бир метр газлама берамиз. Бундан ташқари республикаларо шартномага мувофиқ бизга яна икки минг тонна пахта ажратилган. Хуллас, корхонамиз йил охиригача етадиган ва ортиб қоладиган хом ашё билан таъминланган. Бундан ўзбекистонлик ҳамкорларимиз ҳам ютишди — улар костюм ва кўйлакбоп газламалар, плашчбоп ва бошқа сифатли маҳсулотларни оладилар.

(БелТА—ТАСС).

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДОРИЛФУНУНИ

ОРТДА ЙЎЛ ЙЎҚ. ФАҚАТ ОЛҒА!

МУСТАҚИЛЛИК учун кураш кўплаб доно аждоду авлодларимизнинг бош дастури бўлиб келганлигини, мустақиллик уларнинг рўёбга чиқмай қолган буюк орзусилигича қолганлигини биз, ёшлар энди — бугун тушунямиз.

Замирида олам жаҳон маъно яширинган шундай бир ривоят бор: «Қадду қоматда, ҳуснда бетакрор бир йигит ариқ бўйида ювиниб турса, сувда бир дона олма оқиб келаётган эмиш. Йигит шу олмани сувдан олиб, ундан бир тишлам танаввул қилибди. Сўнг ўзича: «Э, бу олманинг эгаси бордир. Биров ҳақининг бир қисмини еб қўйдим. Эгасини топиб, гуноҳимни кечиришни сўраб илтижо қилай...» деб ариқ бўйлаб сув келаётган томон кетибди. Бора-бора серҳосил бир—мевазорга дуч келибдир. Боғбонга учраб: «Бу олма сизникимиди?» дея сўрабди. «Ҳа, менинг олмам» дебди боғбон. Шунда йигит «ҳаққингиздан бир бўлагини еб қўйдим гуноҳимдан ўтинг?» дея илтижо қилса, боғбон: «Бир шартим бор, шуни бажарсанг, гуноҳингдан ўтаман, сени кечираман» дебди. «Шартингизни айтинг» дебди йигит. «Шартим шуки, менинг кўзсиз, оёқсиз, қулоқсиз бир қизим бор. Шунга уйлансанг, гуноҳингни кечаман...» дебди боғбон. Йигит розилик берибди. Қизни никоҳлаб келтиришса, бамисоли паризод, бетакрор гўзал, кўзлари, оёқлари ва қулоқлари ҳам жойида эмиш. Шунда йигит: «Бу Сиз таърифлаган қиз эмас-у?!» дея эътироз билдирибди. «Кўзлари шу ҳовлидан ташқарини кўрмаган, оёқлари шу ердан ташқарини босмаган, қулоқлари шу хонадондагилардан ўзга инсон товушларини эшитмаган бўлгач, уни «кўр, чўлоқ, кар» демай, нима дейиш мумкин» деган экан боғбон...

Қиссадан ҳисса деганларидек, Ўзбекистонимиз ҳам, унинг заҳматкаш халқи ҳам 70 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ўз ҳовлисида ноз-неъматларни роса етиштириб, ҳалиги ариққа оқизиб келаверган, кўзлари катта девор — СССР чегарасидан нарини кўрмаган, қадами ҳовлисидан нарига ўтмаган, қулоқлари жаҳон овозини эшитмаган, ғўё «кўр, чўлоқ, кар» соҳибжамол аҳволида бўлган.

Етмиш йилдан ортиқроқ биз матбуот, радио ва телевидение орқали қарғаб, қоралаб келган капиталистик мамлакатлар итисодиёти, фани, маданияти, турмуш тарзи жаҳонда юксак чўққиларга кўтарилган мамлакатлар бўлиб чиққанлигини кўриб ҳайрон ва лол қолиб турганлигимизни айтмаймизми?

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эълон қилинганидан кейин кечаги «кўр, чўлоқ, кар» соҳибжамолнинг кўзлари бугун жаҳонни кўряпти, оёқлари жаҳон бўйлаб одимлаяпти, қулоқлари олам овози қандай бўлса уларни шундайлигича эшитяпти. Бу— буюк бахт.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида эълон қилинишини республикадаги ақли расо кишиларгина эмас, ҳатто мактаб ўқувчилари — фарзандларимиз ҳам кўзларида қувонч ёшлари, олам-олам севинч билан қарши олдилар. Турли хорижий мамлакатлардан Тошкентга келиб, ажиб бир анжуман ўтказган ватандошларимиз кўзларидан ҳам қувонч ва севинч ёшлари оққанлиги ўзбекнинг ўзбекка ва ўзга дўстларга аҳамияти кўплигидан, Ўзбекистон мустақиллигига хайрихоҳлар кўплигидан далолат эмасми?!

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эълон қилинди. Лекин, ҳали ҳақиқий маънода тўлиқ мустақиликка эришолганимиз йўқ. Президентимиз такрор ва такрор таъкидлаб келаётганларидек, ҳали бир тану бир жон бўлиб, кўп ва беҳад самарали ишлашимиз керак.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, уни мустаҳкамлаш ва ҳимоялашга хизмат қиладиган ҳар бир омилдан тез, ўз ўрнида ва оқилона фойдаланиш ҳаддан ташқари зарур, деб ҳисоблайман. Шу ўринда халқимизнинг илғор вакиллари олға сураётган, доно фикр ва мулоҳазаларни жамлаш, улардан энг рационал фойдаланишни назарда тутяпман.

Депутат сифатида ўз сайловчиларим билан тез-тез учрашиб тураман. Улар орасида шундай доно кишилар борки, улар ўртага ташлаётган фикр ва мулоҳазалар ўта қимматлилиги билан ажралиб туради. Қуйида улардан айримларини санаб ўтмоқчиман.

Биринчиси — Ўзбекистон ўз Конституциясига эга бўлиши зарурлиги тўғрисидаги фикр. Дарҳақиқат, мустақил давлат ўз Конституциясига эга бўлиши керак-да!

Собиқ СССР Конституциясини бандма-банд чуқур таҳлил қилар экансиз, иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистоннинг СССРга, Москвага тобелиги, қарамлиги чинакамига мустаҳкамлаб қўйилганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Аслида «лойи обдон пишитилмаган» бу конституциянинг қатор бандларига хаш-паш деганча хийла ўзгартиришлар киритилди. Нима эмиш, давр тақозоси эмиш, АҚШ, Англия каби ривожланган капиталистик давлатлар Конституциялари юзага келганига 150—200 йилдан ошяпти. Шу муддатда уларнинг атиги бир-икки бандига тузатишлар киритилган, холос. Нима, аччиқ ва танг даврлар у давлатларни четлаб ўтганми? Мутасадди олимларимиз, сиёсий ва давлат арбоблари, ҳуқуқшуносларимизнинг ақл-заковатларини ростманасига ишга соладиган вақтлари келди. Бугунги кун улардан мустақил Ўзбекистоннинг, мустақил ўзбек халқининг ҳақиқий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, мустақил давлат ва мустақил ҳақ-ҳуқуқларини, бурчларини тўлиқ таъминлайдиган ва муҳофазалайдиган чинакам Конституция яратиб беришларини талаб қиляпти.

Иккинчиси — Совет ҳокимияти йилларида шундай йирик бир мамлакатда бир неча бор иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар юз берганлигини олиб қаранг. Нега шундай бўлди? Бунинг бош сабабларидан бири — иқтисод фани ва амалиётнинг, шунингдек сиёсат ва бу соҳа амалиётининг илмий-назарий заминлари ўта заиф бўлганлигидир. Биз товар—пул—товар муносабатларига, мулкчилик ва бошқа қатор масалаларга Маркс, Энгельс, Ленин таълимотларига таянган ҳолда ёндошиб келдик. Таққинлари ўз даври ва яқин келажак учун тўғри бўлган, лекин мутлақо абадий бўлмаган мазкур таълимотларга қўрқув оқибатида ижодий ёндошилмай келинди. Бироқ сир эмаски, давлат ва сиёсий арбоблар «Маркс, Энгельс, Ленин» дея аюҳаннос солмасаларда юксак даражада ривожланиб олган, бизлардан деярли ҳар томонлама устунликларга эга бўлган капиталистик мамлакатлар оз эмас. Ахир, яхшини, фойдали тажриба, иш усули ёки ўзгалар таълимотларини ўрганиш, улардан фойдаланиш, илғор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш гуноҳ ёки айб эмас-ку? Нега товар — пул — ишлаб чиқариш воситалари билан ишлаб чиқариш кучлари ўртасидаги муносабатларга, мулкка бўлган муносабатларга ривожланган мамлакатлар нуқтаи назаридан ёндошмаймиз. Ахир, қайси усул ёҳуд қонда кўпроқ фойда, бойлик келтирса, халқнинг тўқ-ровон яшашига катта ёрдами тегса, ўшандан тез ва сўзсиз фойдаланиш керак эмасми? Ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олиб ишлаш колхозлар ва совхозлар ишлаб чиқаришига нисбатан юз карра фойдали ва афзал эканлиги жумҳуриятнинг турли бурчакларида рад этиб бўлмайдиган даражада исботланди. Минг афсуски, Президентимиз қанчалар таъкидлаб, топшириқлар бераётганликларига қарамай, ижарачилик, деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, кичик корхоналар ташкил этишга ҳар тарафлама кўмаклашишни оммавий тус олдириш ўрнига бу вазифаларни тезроқ ҳал этиш пайсалга солиниб келиняпти.

Учинчиси — жумҳуриятимиздаги ҳар бир фуқаро ақл жиловини маҳкам тутгани ҳолда катта жасорат ва довюраклик билан ҳеч қўрқмасдан иш юритишни тўғри изга қўйиб олиши керак. Демократияга асосланган мустақил давлатда ҳар бир кишининг тўғри ва жасорат билан ишлаши зарурлигини ривожланган мамлакатлар тарихи ва тажрибаси кўрсатиб келяпти. Мен бу ўринда танқид ва ўз-ўзини танқидни назарда тутяпман. Сўнгги йилларгача бизнинг жамиятда танқид шу қадар бўғиб келиндики, тўғри танқидга учраган раҳбар танқидчининг ўгитларини «тан олгани» ҳолда турли баҳоналар билан уни таъқиб остига олиб келди, танқидчини тинчитмагунча ўзи тинчимайдиган бўлиб қолди. Қаттиқ тартиб-интизомни, юртда осойишталикни қарор топтириш ниятида у ёки бу раҳбарнинг камчиликлари танқид қилинган пайтларда танқидчини партияга, бутун жумҳуриятга ва халққа нисбатан ҳурматсизликда айблаш ҳоллари кўп карра учради. Бу ҳол танқиднинг ўта сусайишига, йўқолишига, одамларнинг қўрқоқ бўлиб қолишига, тилёғламачи лаганбардорларнинг кўпайиб кетишига олиб келди. Ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий жиҳатдан, умуман, ҳар томонлама фойдали танқид ва ўз-ўзини танқидсиз жамиятимизнинг турли жабҳаларида олға томон дадил силжиш амримаҳол эканлиги сир эмас. Шу муносабат билан танқид тагли-томирли, ўта асосли бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Айни чоғда бировни танқид қила билган киши ўз ишлари ва хатти-ҳаракатларига ҳам танқидий қараб олиши керак.

Тўртинчиси — мустақил давлатимиздаги ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўғри фойдалана билишини таъминлаш учун курашдир. Не бахтки, Совет ҳокимияти ҳукм сурган 74 йилдан сўнг биринчи бор инсон ҳуқуқлари декларацияси имзоланди. Энди ана шу декларация қоғозда қолиб кетмаслиги учун ёшу кекса — барчамиз қаттиқ кураш олиб боришимиз керак. Мустақил давлатда яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир киши қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлигини фарзандларимиз онгига ғўдаклиги, болалигиданоқ сингдириб боришимиз керак. Ғўдаклиги, болалиги ва ўсмирлиги яхши муҳофазаланган фарзандларимиз умрларининг қолган қисмида қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлажакларини ҳозирдан билиб, ҳис этиб борсинлар. Бу улар зиммасига қандай масъулиятлар юклашини ҳам таълим-тарбия жараёнида узлуксиз уқдириб боришимиз зарур.

ҲАҚИҚИЙ маънода ҳар томонлама эркин инсонгина ўз ҳуқуқлари ва ўзи яшаб турган жамият ҳуқуқларини тезроқ англаб етади, эркин инсонгина ўзига бериб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлар эвазига жамият ва давлат олдидаги бурч ҳамда вазифаларини тезроқ тушунади, улар ижросига жадал ва пишиқ-пухта киришади.

Инсон ҳеч кимдан қарз бўлмаган, ҳеч кимга тобе бўлмаган ҳолда дунёга келади. Инсон тамомила эркинлигича дунёга келдими, умрининг охиригача у эркин яшаб, меҳнат қилсин. Бизлар билмаган байрамлар орасида Бутунжаҳон инсон эркинлиги куни байрами ҳам бор экан. Ҳар йилнинг 10 декабрида умумжаҳон кенг жамоатчилиги шу кунни нишонлайди.

Инсоннинг ҳақиқий маънодаги эркинлигини таъминлаш учун олимларимиз, илғор зиёлиларимиз, ҳар биримиз ва ҳаммамиз ҳали жуда катта кўламдаги ишларни амалга оширишимиз керак бўлади. Инсон эркинлигини таъминлаш оилада бошланиб, мактаблар ва олийгоҳларда ниҳоясига етказилиши керак. Халқимизда: «Ўнга кирдинг, сонга кирдинг» деган ҳикматли нақл бор. Биз фарзандларимизнинг 10 ёшга киришини кутиб ўтирмасдан, у ҳали бешикдалигидаёқ эркин инсонга хос эркин фикрлай бошлашини таъминлаш учун курашайлик. Вояга етган ёшларимиз эркин инсон эканликларини ҳар дамда ва ҳар қадамда ҳис этиб яшасин ва жамият ишларида фаол иштирок этсинлар.

Бешинчиси — ижтимоий сўровни тезроқ йўлга қўйиш зарур. Бу — мустақил давлат тепасида турган у ёки бу сиёсий ёҳуд давлат арбоби томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг, бажарилаётган ишларнинг тўғри-нотўғрилигини халқ — кенг жамоатчилик томонидан ҳолисонилло баҳолашини таъминлаш демакдир. Бош раҳбарлар ҳокиму ҳукомалиги даврасига қандай йўллар билан суқилиб қолган баъзи лаганбардорларнинг хушомадгўйликлари, тилёғламачиликлари туфайли тўғри воқеа ва ҳодисаларнинг «нотўғрига», нотўғриларининг эса «тўғрига» чиқиб қолгани ҳоллари ўтмишдаги ҳаёт ва фаолиятимизда кўп учради. Лаганбардор ва тилёғламачилар «фаолияти», аксарият ҳолларда, жамият ривожига тўғаноқ бўладиган чалкашликлардан иборат касофатни юзага чиқариб келди. Бош раҳбарлар атрофига йиғилиб қолган ва унга яқинлашиб олиш ниятида юрган лаганбардор ғаламислар пайини кесишнинг ягона йўли ижтимоий сўровни тезроқ ташкил этиш ва тўғри изга қўйиб олишдир. Халқ ақли қуйма, буюк ақл. Шу боисдан ҳам халқ баҳоси бетакрор ноёб ва аниқ баҳодир. Ижтимоий сўров — Президентдан тортиб қолган барча поғонадаги раҳбарлар учун кўзгу вазифасини ўташига шубҳа йўқ. «Афтинг қийшиқ бўлса, кўзгудан ўпкалама» дейдилар-ку, ахир!

Олтинчиси — мустақил давлат оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениеси қандай бўлиши керак? — деган масаладир. Яқинларгача жумҳурият матбуоти бепоён уммонда йўлидан адашган елканли қайиқ мисол тақдирини шамолга топшириб келди. Шамол қаёқдан эсса шу ёққа қараб қалқиб юрди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эълон қилиндими, демак жумҳурият матбуоти ва телевидениеси ходимлари олдида турган вазифаларнинг фарқлари кўриниб, контурлари аниқ билинди қолди. Ҳозир жаҳон миқёсида ахборот оқими шу қадар кучли, кўлами шу қадар кенгки, уларни илғаб, мағзини чақиш ва ақл тарозисидан ўтказиш, таҳлил қилиш учун инсон миясининг энг мукаммал ЭҲМдан ҳам тез ва аниқ ишлайдиган бўлиши керак. Афсуски, ақлимиз бунга ҳали ожиз. Шунга кўра рўзнома ва ойномаларимиз саҳифаларида, радио ва телевидение орқали эшиттириш ҳамда кўрсатувларда мустақил давлатнинг асл манфаатлари кўзланган турли хил мақолалар, хорижий фермерлар ёки кооператорлар, кичик корхоналар эгаларининг бой тажрибалари, хорижда хусусий бойлик орттириш билан бир қаторда давлатни бойитишнинг қандай самарали усуллари борлиги ҳақида узлуксиз чиқишлар, эшиттиришлар кўрсатувлар бўлишини кутяпти халқимиз.

Лекин, афсуски, оммавий ахборот воситаларининг аксариятида қадимдан ҳукмрон туртки, қолипланган материаллар чоп этиш ҳамон давом этиб келяпти. Масалан, фалон жамоа хўжалиги ёки давлат хўжалигининг молбоқари Эшматбой, чўчқабоқари Тошматбой, товуқбоқари Валибой ҳар юз сигир, чўчқа, товуқдан писмадонча бузоқ, чўчқа боласи, тухум олиб, режаларини ошириб-тошириб юборди... Хўш, нима бўпти. Ўша меҳнат кишилари ўз вазифаларини яхши бажаряпти эканлар. Ҳамма, жумладан ана шу чорвадорлар ҳам яхши яшаши учун яхши ишлаши керак. Бу — ҳаммамиз учун ҳаётий зарурият ва мажбурият. Лекин, Эшмат, Тошмат, Валибойлар режаларини ошириб-тошириб юборишяптилару, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухумнинг нархи осмонда. Илгаримлари қозонига ҳеч бўлмаганда, икки кунда бир килограмм гўшт тушиб турган заҳматкаш бугун қозонини сувга улоқтириш арафасида турибди Саноат ва кенг истеъмол моллари ҳусусида ҳам шу гап. Хўш, нега шундай бўляпти ва бу қачонгача давом этади. Шу ва шунга ўхшаш қатор масалаларни тез ва ишонарли шарҳлаб бериб, халқни қийнаётган кўплаб саволларга жавоб топилса. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва уларда кечадиган жараёнларни тор доирадаги кишиларгина биладилар. Кўпчилик эса булар ҳақида тузукроқ тасаввурга эга эмас, бунинг ўрнига халқ орасида шов-шув, миш-миш, хавотирлик.

Хуллас, халқимизда доно фикр ва мулоҳазалар жуда кўп. Уларни йиғиш, энг самарадорларини тўплаш ва эзулик билан мустақил давлат манфаатлари йўлида хизмат қилишга йўллаш керак. Шундай қилиб, меҳнат қилайликки, ҳар бир қимматли фикр-мулоҳазамиз, ҳар бир ҳаракатимиз Ўзбекистон мустақиллигини тобора мустаҳкамлашга хизмат қилсин.

Қаҳрамон САНДОВ,
Снёсатшунослик ва бошқарув институтининг тингловчиси, Оқтош шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

1. 2. 3. 4.

АХБОРОТ

ҲАР БИР ЖОЙНИНГ МУНОСИБ НОМИ БЎЛСИН

● Сурхондарё вилояти район ва шаҳар ҳокимликлари қошидаги атамалар комиссиялари жойларга ном беришда ўша жойнинг шароити, тарихий-жуғрофий ўрнини ҳисобга олмоқда, кишилар номини беришда эса аҳоли билан бамаслаҳат иш кўрмоқда.

Масалан, Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» давлат хўжалиги «Беш қаҳрамон», Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалиги «Таллашкон», Денов районидаги «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалиги Шароф Рашидов номи билан аталадиган бўлди.

●

ИШ МАРОМИ ТАЪМИНЛАНДИ

● Марғилон автомобиль таъмирлаш заводида зарур эҳтиёт қисмлар тақчиллиги бартараф этилди.

Корхона жамоаси Москванинг Лихачев номидаги автомобиль заводи билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ, марғилонлик 25 нафар малакали ишчи йил давомида икки ойдан шу заводда ишлаб беради, бунинг эвазига керакли эҳтиёт қисмлар олинади. Бундай ҳамкорлик заводда иш маромини тўла сақлаб қолиш имконини берди. ЗИЛ—130, ГАЗ—53 маркали автомобиллар ўз вақтида таъмирлана бошлади.

●

АҲОЛИ ТАШАББУСИ БИЛАН

● Кейинги вақтларда Избоскан районининг Шермат Юсупов номидаги жамоа хўжалигида хонадон қорамолини ўғирлаш, безорилик, тартиб ва осойишталикни бузиш ҳоллари кузатила бошлади.

Хўжалик аҳолиси бунинг олдини олиш мақсадида кўнгилли гуруҳлар ташкил этди. Маҳалла комитетлари қошида тузилган бу осойишталик посбонлари сафига турли касб эгалари бирлашди. Улар кечаси маҳалла ва гузарларда юриб, нотаниш кишилар шахсини текширишади, тартиббузарлар ҳулқи маҳалла комитетларида муҳокама қилинади. (ЎзА).

• ТИЛ— БОЙЛИГИМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗ МИСОЛИДА

Ўзбеклар тарихи, тили, адабиёти, иқтисоди ҳозир чет эллик олимларнинг диққат марказида турибди. Улар бизлар ҳақимизда турли мақола ва китоблар нашр қилмоқдалар. Америка олими Вилям Фирманнинг яқинда нашр этилган «Тилни тартибга солиш ва миллий ривожланиш масалалари. Ўзбекистон мисолида» китоби ҳам ана шундай рисолалардан биридир. 20—30-йилларда Ўзбекистонда тил сиёсати масалаларини ўрганишга бағишланган 358 бетлик бу китоб ўн икки бобдан иборат. Биринчи боб бир вақтлар мустамлака Ҳиндистон, Индонезия, Жазоир каби мамлакатларда алифбо, орфография, ёзув, хуллас, тил қоидалари каби масалалар қандай тартибга солинганлигига бағишланган.

Иккинчи бобда Ўзбекистоннинг 1918 йилдан 1940 йилгача бўлган қисқача тарихи баён қилинган. Шунингдек, бу ерда тарихимиздаги катта воқеалардан бири — туркий халқларнинг ўзаро ноаҳиллиги туфайли Туркистоннинг осонликча парчаланиб кетиши масалалари кўриб чиқилган.

Учинчи боб 1918 йилдан 1923 йилгача бўлган вақтда араб алифбосини ислоҳ қилиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Олим масалани чуқурроқ ёритиш мақсадида ўша даврдаги «Иштирокиюн», «Туркистон» газеталарида босилган тил масалаларига бағишланган конференция қарорларига мурожаат қилган. Мисоллардан кўринишича, ўша даврда зиёлилар, шоирлар, ёзувчилар, маърифатпарварлар, асосан араб ёзувини маъқуллаганлар. Лекин шу билан бирга айрим кишилар, масалан Боту, лотин ёзуви тарафдори бўлган.

Тўртинчи ва бешинчи боблар тилимизни лотинлаштириш масаласига бағишланган. Шунингдек, бу бобларда Вилям Фирман саводсизликка қарши кураш масалаларини ҳам қаламга олади. Олимнинг таъкидлашича, 1923—1925 йилларда Ашурали Зоҳирий каби зиёлиларимиз араб алифбосини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Аммо марказнинг қўғирчоғи бўлиб қолган иккинчи гуруҳ ноаҳил олимлар, шоирлар, ёзувчилар лотинлаштириш тарафдори бўлдилар. Шу билан бирга айрим шоир, ёзувчи олимлар ўзбеклар қайси алифбода қолишидан қатъи назар, халқимизни саводли бўлишга чақирдилар. Булар орасида Чўлпон, Фитрат каби шоир ва олимлар бор эди.

Олтинчи боб кирилл ҳарфлари масаласига бағишланган. Бу ерда олим марказ қандай қилиб 1936—1939 йилларда кирил алифбосига ўтказиш сиёсатини олиб борганлиги ҳақида фикр юритади. Ўша даврда марказ миллатларни ўз маънавий меросидан узил-кесил узиб ташлаш учун кирил алифбосига ўтказиш лозим, деб қарор чиқаради. Масала ҳал бўлгач, ҳамма ерда бўлганидек бу ерда ҳам уни ижро этувчиларни топиш қийин бўлмади.

Еттинчи боб энг қийин ва қизиқарли масалага бағишланган: ўзбек тили қандай сўзлар билан бойиши керак? Бир гуруҳ зиёлилар ўзбек тили туркий сўзлар ҳисобига, иккинчилари эса араб-форс сўзлари билан бойиши лозимлигини ёқлаб чиқдилар. Масалан Чўлпон, Элбек каби зиёлилар ўзбек тили туркий сўзлар ҳисобига бойишини таъкидладилар. Бунга асос қилиб улар ўзбекларнинг бой қипчоқ, қарлуқ, ўғуз шеваларидаги сўз ва ибораларни далил қилиб келтирдилар. Аммо 1933 йилдан бошлаб ўзбек тилига зуғум кучайди. Кенг истеъмолдаги сўзлар ўрнига рус ва байналмилал сўзларни мажбурий ишлатиш бошланди. Бу оқим бевосита Москвадан бошқарилди. Халқимиз шўро ўрнига совет, инқилоб ўрнига революция, жумҳурият ўрнига республика сўзларини ишлатишга мажбур бўлди. Агарда ким шўро, инқилоб сўзларини ишлатса, у миллатчи деб айбланди. Афсус, бу номақбул ҳодисага 1989 йилдагина чек қўйилди.

Саккизинчи боб маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланган. Келтирилган мисолларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ўша даврда худди бугунгидек идора ва корхоналарда иш юритишни ўзбек тилида олиб бориш мўлжалланган экан. Бу даврда ўзбек тилини ўрганиш бўйича махсус курслар очилган. Лекин шу билан бирга тил масаласи билан боғлиқ номақбул иш бошланган эди. Марказ тил билувчи, саводли зиёлиларни миллатчи деб айблаб, давлат идоралари, раҳбарлик лавозимларига ишга олишга қарши турди. Улар ўрнига саводсиз халқ вакилларини тайинладики, бу жараён жумҳуриятнинг ривожланишини секинлатиб қўйди.

Навбатдаги боб руслаштириш масаласига бағишланган. Бу жараён 1933 йилдан бошлаб бевосита Москва томонидан бўйруқ асосида бошқариб турилган. Марказ ишни қуйидагича режалаштирган: корхона ва идораларда иш олиб бориш имкониятига эга бўлган маҳаллий миллат вакилларини қамаш, отиш, сургун қилиш, улар ўрнига русларни тайинлаш. Афсус бу даврда жуда кўп зиёлилар ноҳақ нобуд бўлдилар. Олим марказнинг бу иши Ўзбекистонда анча «яхши бажарилганлигини» афсус билан таъкидлайди.

Ўнинчи ва ўн биринчи бобларда А. Зоҳирий, Чўлпон, Фитрат, Боту, Отажон Ҳошим, Улуғ Турсунов, А. Ғуломов, В. Решетов, А. Боровков, А. Кононов, Е. Поливанов каби тилшунос, шоир ва ёзувчилар библиографияларига доир маълумотлар келтирилади. Бу ерда, шунингдек ўша даврдаги кўзга кўринган татар, озор олимлари ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Тил масалалари билан шуғулланувчи турли ташкилотлар ҳақида ҳам ноёб маълумотлар бор.

Ўн иккинчи боб икки қисмдан иборат. Биринчисида Вилям Фирман Ўзбекистондаги тил масалаларини Хитой, Покистон, Жазоир каби мамлакатлардаги тил масалалари билан таққослайди ва бир муҳим фикрга келади: тил ва сиёсат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсат тилнинг ривожланишига бевосита таъсир қилади. Иккинчи қисмида Ўзбекистонда 1940 йилдан 1989 йилга қадар тил сиёсати масалалари қисқа баён қилинган.

Турли хил мафкурадан ҳоли яратилган ушбу китобнинг ҳамма боблари ҳам чуқур таҳлил билан ёзилмаган. Лекин бунда Вилям Фирманни айблаб бўлмайди. Чунки олим тил сиёсатини ўрганишга бағишланган бу масала бўйича маълумотлар тўплаётган даврда (70—80 йиллар) ҳужжатхоналарга чет эллик олимларнинг кириши қийин эди. Шунга қарамай, мафкурадан ҳоли яратилган бу китоб олимлар-у, зиёлиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Эргаш УМАРОВ.



Суратларда: америкалик олим Вилям Фирман ва унинг ўзбек тили тарихига бағишланган китоби.

Суратқаш: В. ТЎРАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ, КООПЕРАТИВЛАР, ҚИЧИҚ КОРХОНАЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Давлат газлаштириш лойиҳа-қидирув илмгоҳи «Ўзгазлойиҳа» Ўзбекистон Республикаси ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ҳудудларидаги корхона, ташкилот, давлат, жамоа хўжаликлари ва аҳолига қуйидаги соҳаларда ўз хизматини таклиф этади:

1. Шаҳар, қишлоқ ва маиший хизмат корхоналарини газлаштириш тармоқларини лойиҳалаш.

2. Шахсий уй, дала уй биноларини буюртмачи дидига ва истагига монанд бўлган шаклда лойиҳасини тайёрлаш.

3. Шахсий уй, дала уйларини иситиш, электр ва сув билан таъминлаш тармоқларини лойиҳалаш.

4. Қозонхоналарни кўмир ва бошқа ёнилғилардан газ ёнилғисига ўтказишни лойиҳалаш.

5. Саноат, қишлоқ, коммунал ва уй-жой хўжалиги иншоотлари ва уларни таъмирлашни лойиҳалаш.

6. Ер ости пўлат қувурлари ва кабель тармоқларини электр кимёвий муҳофаза этишни ва уларни таъмирлашни лойиҳалаш.

7. Электр кимёвий муҳофаза этиш асбобларини созлаш ва ишга туширишни.

8. ЕС 1035 ва АРМ 2.01.04 (СМ. 1420 базасида) электрон ҳисоблаш машиналарини машина вақтини ижарага бериш.

9. Ҳисоблаш машинасида ходимлар ойлик маошларини ҳисоблаш.

10. Таклифнома, табрикнома, таваллуд муқоваси ва иш қоғозларини босмахона усулида тайёрлаш.

11. Эълон, шартнома (30×21 см, 42×30 см катталикда) ва иш қоғозларини офсет усулида кўпайтириб бериш.

12. Китоб, қайд дафтари ва диплом ишларини муқовалаш ҳамда ён дафтарча, альбомларни тайёрлаб бериш.

13. Турли ҳужжатларни РЭМ-420, РЭМ-620 аппаратларида кўпайтириш.

14. Ташкилот ва корхоналарга эълонлар ва бошқа ёзувларни бадиий безак билан тайёрлаб бериш.

Илмгоҳ юқорида кўрсатилган хизматларни қисқа муддат ичида арзон баҳода сифатли бажарилишига кафиллик беради.

Хизмат нархлари шартнома асосида.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этинг: Тошкент шаҳри Беруний кўчаси, 83, метронинг «Тинчлик» бекати. Маълумот учун телефонлар: 42-44-54, 42-98-68, 49-33-67, 42-44-48.

ШОШИЛИНГ! ХИЗМАТИМИЗДАН МИННАТДОР БЎЛАСИЗ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР Н. К. КРУПСКАЯ НОМИДАГИ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабгача тарбия муассасалари учун тарбиячилар тайёрлайди. Ихтисослик бўйича қуйидаги фанлардан танловли кириш имтиҳонлари топширилади.

1. Мутахассисликка йўналтириш фанидан (оғзаки).

2. Она тили ва адабиётдан (диктант).

Аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади.

Билим юртига кирувчилар: маъмурият номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусха), 086/У — шаклдаги тиббий маълумотнома, паспорт, 3×4 см ҳажмдаги 6 дона сурат, иш жойидан маълумотнома (иш стажига эга бўлганлар учун), меҳнат дафтарчасидан кўчирмани илова қиладилар.

Қабул 1992 йилда Ўзбекистон жумҳурияти халқ таълимининг ўқув юртларига қабул қилиш қондалари асосида амалга оширилади.

Манзилгоҳимиз: Индекс 700096, Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, Муқимий кўчаси, 178-уй. Телефон: 78-55-97.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

• МУАММО ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

„ҲАВО АЙНИСА ҲАМ МАЙЛИ...“

Қутқариш станциясини қийин аҳволдан ким қутқаради?

Чилла. Қуёш қуйдираман дейди. Минглаб шаҳарликлар тоғларга, Чорвоқ сув омборига ошиқишади. «Ўзбекистон Швейцарияси» ўзининг шаффофдай тиниқ суви, шифобахш мусаффо ҳавоси, ҳайратомуз гўзаллиги билан мафтун қилади кишини. Ёзда Чорвоқда дам олганга, саломатликни тиклаганга нима етсин! Тошкент вилоят сувда қутқариш жамияти ҳузуридаги Чорвоқ қутқариш станциясининг мутахассислари сергак. Бемалол сувда қулоч отаверинг.

— Бу уч километрли пляж тошкентликлар истироҳат қиладиган шаҳар зоналаридан бири, — дейди қутқариш станцияси бошлиғи Леонид Яковлевич Филипов. — Асосий вазифамиз одамлар ҳаётини муҳофаза қилиш, қутқарув ишларини олиб бориш, сувда ҳаракат хавфсизлигини ташвиқ этишдан иборатдир. Аммо бурчимизни адо этиш кундан-кунга чигаллашиб боряпти. Уф...

Леонид Яковлевич ҳасрат дафтаридан очди. Станцияда рўйхат бўйича 16 киши ишлаши керак. Амалда эса беш киши меҳнат қилмоқда. Маоши кам. Иккита қутқариш қайиғи ва автомашина қантариб қўйилган — аккумуляторлар, двигателлар ва эҳтиёт қисмлар йўқ. Бензинни ҳам томизгига ўхшаб ажратишмоқда. Масалан, мавжуд қонун-қоидаларга кўра, пляжни катерда ҳар ярим соатда айланиб чиқиш лозим. Бу — кунига тўрт соатдан тўхтовсиз ишлашга тушадиган ғоввослар учун тепа билан алозарур, дегани. Бунинг учун соатига 23 литрдан бензин сарфлаш даркор. Қутқарувчиларнинг меъёрида иш олиб боришлари учун бир кеча-кундузда камида 70-80 литр бензин ажратилиши зарур.

Махсус анжомлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Сув қа қилиб туришга телефон ҳам йўқ. Қутқариш станциясининг биноси чала топширилганлигидан душхона, ҳожатхона, иситиш шохобчаси ишламайди, водопровод ва канализация ётқизилмаган. Ғаввослик аппаратларига ҳаво киритадиган компрессордан наф йўқ. Чунки, компрессор станциясига кучланишли кабель тортилмаган. Оқибатда қутқарувчилар пул чангаллаб бошқа ташкилотларда аппаратларини ҳавога тўлдиришга мажбур бўлишяпти. Энг ажабланарлиси шуки, республика Вазирлар Кенгашининг махсус қарори чиққанига қарамай, станцияга ҳалигача на телефон, на рация ўрнатилган!

Нега шундай? Чунки одамлар ҳаётини муҳофаза қилишдек муҳим давлат аҳамиятга эга иш билан шуғулланувчи станция жамоат ташкилоти тасарруфида. Унинг ҳозирги молиявий аҳволи билан дурустроқ иш олиб боришнинг иложи йўқ.

Станция ходимлари ёрдам сўраб, юқори идораларга югуравериб чарчашди. Муаммо эса муаммолигича қолмоқда. Аммо умидли дунё экан. Қутқарувчилар амал-тақал қилиб кун кечиришяпти. Минг марта шукурки, улар қўриқлаётган зонада ҳали биронта ҳам одам ҳалок бўлгани йўқ.

Лекин Чортоқ сув омборида назорат қилинмайдиган, одамлар бориб яширинча чўмиладиган жойлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. 40 квадрат километрдан зиёд сатҳли сув омборининг ҳамма томонини кўз остида тутишга эса куч етмаяпти. Шу боис чўкаётганлар бор.

Қутқариш хизматини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўпгина муаммоларни ҳал этган, бир нечта қўшимча қутқарув постини вужудга келтирган бўлур эди. Эҳтимол, савобталаб ҳомийлар ҳам топилиб қолар. Ҳар ҳолда қандайдир чора кўриш керакку! Акс ҳолда инсон ҳаёти — энг катта бойлик, деган гапда маъно қолмайди.

Станция бошлиғи Л. Я. Филипов биз билан хайрлашар экан, шундай деди:

— Ҳар шанба ва якшанба куни ҳаво айниб, ёмғир ёғса ҳам майли, ҳар ҳолда одамлар дам олгани камроқ келишади-ку, деб худога илтижо қиламан.

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Суратда: (чапдан ўнгга) ғаввослардан А. Ашуров, С. Кот ва Л. Филипов.

Сўз ва сурат С. ВЕЛИЧКИН [ЎзА]ники.

СПОРТ

СОФ ОЛТИНДАН

● БАРСЕЛОНАДА бошланадиган олимпиада ўйинларини тантанали очилишига ўн кунча вақт қолди.

Олимпиада оловини ўт олдириш йўлидаги уринишлар давом этмоқда. Бир ой илгари қадимий Грециядa ёндириб олинган машъала қўлма-қўл Испания пойтахтига етказиб келинди. Яқинда кўлига машъала тутган югурувчилар сафига Испания қироли Хуан Карлос ҳам қўшилди. У машъалани маълум масофага кўтариб югурди. 25 июль куни эса Барселона шаҳрида ана шу машъаладан ўт олдирилган олимпиада олови йирик спорт анжумани бошланганидан дарак бериб, ловиллай бошлайди. Олимпиада ташкилотчиларининг хомчўтларига қараганда, мусобақадан тушадиган соф даромад бир миллиард долларга яқин бўлиши кутилмоқда. Шу боисданми, ғолибларга тантанали суръатда топшириладиган медал ҳам соф олтиндан тайёрланди. Илгари эса кумушдан ясалиб юзига зарҳал бериларди. Шунингдек, кумуш ва бронза медаллари ҳам табиий металдан тайёрлаб қўйилди.

МУКОФОТЛИ ЎРИН

● ЧИМ ХОККЕЙ бўйича Москвада бир неча кун давом этган йирик мусобақа якунланди.

Бешта республика терма жамоаси жаҳон кубоги учун мусобақага бериладиган ягона йўлланма учун ўзаро баҳслашдилар. Ўзбекистон республикаси хоккейчилари биринчи учрашувни Россия жамоаси билан ўтказиб (1:0), ғалаба қозонишди. Кейин Молдавия хоккейчилари билан ўйинда шу ҳисобда имконият бой берилди. Арман хоккейчилари билан учрашув ўтказилмагани учун республикамиз терма жамоасига ғалаба (5:0) ёзилди. Шундай қилиб, Россия хоккейчиларидан кейин Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи фахрли ўринни эгаллади.

Тошкент шаҳар Куйбишев район 209-ўрта мактаб томонидан Мўминов Алишер Сухробжонович номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги 980520 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ҳамда кутубхона жамоаси кутубхона бўлими бошлиғи М. С. Азизовага отаси, Улуғ Ватан урушининг 1-гуруҳ ногиронининг

Саидаҳмад ЖАББОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелефильм» студияси маъмурияти узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келган кекса жамоатчи ва меҳрибон оила бошлиғи, содиқ дўст, ёшларнинг устози, профессионал кинооператор

Собиржон Умаржон ўғли СОЛИҲОВнинг

фожиали вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси вазирликнинг хўжалик бўлими бошлиғи А. С. Содиқовга қайнотаси

Эргаш ЖУРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси Самарқанд вилояти меҳнат, аҳолининг иш билан таъминлаш ва иктимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Ф. Ф. Зиёмуҳамедовага онаси

Фароғат ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси жамоаси ишлар бошқармасининг бошлиғи А. Султоновга онаси

Саври ЗОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; иктимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.



«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583.

Буюртма № Г—217.

№ 137.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.